



## ПЕДАГОГ-ПЕДАГОГ ПЕДАГОГ-МАЪМУРИЯТ ВА ПЕДАГОГ ОТА-ОНА ЎРТАСИДАГИ КОНФЛИКТЛАР САБАБЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Шодиев Илёсжон Нарзиқул ўғли

Тошкент давлат педагогика университетини Умумий педагогика

кафедраси ўқитувчиси

shodiyev.ilyos27@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6300184>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi:15-fevral 2022

Ma'qullandi:20-fevral 2022

Chop etildi:25-fevral 2022

### KALIT SO'ZLAR

Педагогик конфликт, педагоглараро конфликтларнинг турлари, педагоглар ўртасидаги конфликт сабаблари, педагог-маъмурият ўртасидаги конфликт, ўқитувчи ва ота-она ўртасидаги зиддиятлар сабаблари ва хусусиятлари.

### ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада таълим муассасаларидаги педагог-педагог, педагог-маъмурият ҳамда педагог ва ота-она ўртасидаги конфликтлар, уларнинг хусусиятлари ва сабаблари ҳамда педагоглар ўртасидаги конфликт турлари назарий таҳлил қилинган.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарорида олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича белгилаб берилган энг муҳим вазифалар олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш яъни педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини оширишнинг[1]

бугунги кунда долзарблигини ўзида ифодалайди.

Ушбу мақолада таълим муассасаларидаги педагог-педагог, педагог-маъмурият ҳамда педагог ва ота-она ўртасидаги конфликтлар, уларнинг хусусиятлари сабаблари назарий таҳлил қилиниб, педагогик жараёнда юзага келувчи конфликтлар таълим сифатига таъсир этиши билан бирга таълим олувчилар нигоҳида педагогик жамоанинг обрўсизланишига алоқадорлиги билан ҳам хусусиятланади.



Педагогик конфликт таълим жараёнида иштирокчиларнинг касбий ва шахслараро ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган, субъектив қарама-қаршиликлар намоён бўлишининг бир шакли сифатида қаралади. Ҳар қандай конфликт юзага келишининг сабаблари – бу жамиятда ўзаро алоқада бўлган субъектларнинг бошидан кечирадиган қарама-қаршиликларидир[2,128].

Педагогик ва психологик адабиётлар таҳлилига кўра таълим муҳитида бундай қарама-қаршиликларнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин.

Адабиётлар таҳлилига кўра, ўқитувчилар жамоаси фаолиятининг расмий (функционал ва ишбилармонлик) ва норасмий (ҳиссий ва шахсий) соҳаларидаги низолар турли тоифадаги ўқитувчилар ўртасида юзага келиши аниқланди. Бўлажак ўқитувчи шахси келгусида педагогик фаолият билан машғул бўлиши нуқтаи назаридан ўқитувчи-ўқитувчи ўртасидаги конфликтларнинг моҳиятини англаш, уларнинг сабабларини аниқлаш ва тадқиқотимизда акс эттиришни зарур деб ҳисобладик. Қуйида педагоглараро конфликтларнинг турлари ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабабларига тўхталиб ўтамиз.

*Педагоглар ўртасидаги конфликт турлари:*

➤ тажрибали ўқитувчилар ва ёш ўқитувчилар ўртасида;

➤ унвони, расмий мақоми бўлган ўқитувчилар (юқори тоифали ўқитувчи) ва уларга эга бўлмаган ўқитувчилар ўртасида;

➤ турли фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар ўртасида;

➤ битта фанни ўқитадиган ўқитувчилар ўртасида.

*Педагоглар ўртасидаги конфликт сабаблари:*

➤ ёш ҳамкасбларнинг узоқ вақт давомида талабалар билан муваффақиятли иш олиб борган тажрибали ўқитувчиларга эътиборсизлиги (уларнинг кўп йиллик иши ва тажрибасига ҳурматсизлик, ўқитувчилик касбига бўлган муносабат);

➤ тажрибали ўқитувчиларнинг ёшлардан ўзини устунлигини таъкидлаб, уларга “илтифотсиз” муносабати, уларнинг услубларидан норозилиги, ёш педагогларнинг салбий томонларига эътибор қаратиш;

➤ ўқитувчилар ўртасидаги функционал-статусли муносабатлар соҳасидаги дифференциация ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқариши;

➤ бир хил ўқувчиларнинг ишларини турли мавзулар бўйича таққослаш (бир ўқитувчининг натижаларини мақташ ва бошқа ўқитувчилар ҳақида изоҳлар бериш орқали маъмурият билвосита уларни бири-бирига қарши қилиб қўйиши мумкин);

➤ бир хил фанлар юзасидан дарс берадиган ўқитувчилараро зиддиятнинг сабаби методик жиҳатдан фарқлари бўлишилиги;

➤ ўқитувчилар таркиби ўртасидаги ташкилий ёки таркибий зиддиятлар педагогик жараённи мантиқсиз ташкил этишидан келиб чиқиши мумкинлиги (дарсларни режалаштириш, юкни тақсимлаш, синфларни техник воситалар ва ўқув қўлланмалари билан тўлдириш ва бошқалар);

➤ умумий ижтимоий макон ва замонда битта касбий фаолият билан бирлаштирилган ўқитувчиларнинг интилишлари ва кутишидаги фарқлар, қадрият йўналишлари, психофизиологик қобилиятлари кўпинча тўқнашувларнинг сабабларига айланиши;



➤ ижобий таассурот уйғотиш истагининг касбий фаолиятга эмас, балки тақлид қилиш орқали турли хил ижтимоий тадбирларда қатнашиш, ўзини реклама қилишга қаратилганлиги;

Таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг аксарияти аёллардир ва шахслараро низолар кўпинча бир хил жинсдаги гуруҳларда содир бўлиши.

Ўқитувчилар ўртасидаги зиддиятларнинг сабабларини ўрганиб чиқиб, уларнинг асосий хусусиятларини қуйидагича келтиришимиз мумкин:

1. Шахсий (турли хил ҳаётий қарашларни ёқтирмаслик, ҳарактер, ёш, илмий даражасидаги фарқлар ёки бир хил нарсаларга бўлган қарашлари ўртасидаги тафовут);

2. Ўқитувчилар касбий фаолиятига педагогик таъсирнинг хусусиятлари (ўқитувчилар касбий фаолиятида бир-бирига ёрдам беришининг талаб этилиши, ўқитувчилар жамоаси асосан аёллардан иборатлиги (бу ҳам улар ўртасидаги шахслараро муносабатларда ўз изини қолдиради), таълим олувчилар билан ишлаш ақлий куч, сабр-тоқат захираси, билимнинг доимо янгиланиб туришини, изланишни талаб қилиши);

3. Ўқитувчилар меҳнат шароитларининг хусусиятлари (ўқув жараёнини ташкил этиш, мунтазам равишда олиб бориладиган янгиликлар, доимий ўзгарувчан фаолият шароитида ишдаги аниқ қоидалар, оғир иш юки, ота-оналар ва давлат томонидан фаолият натижаларига талабларнинг кўпайиши).

Бир қатор тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш, ўқитувчиларнинг норозиликни келтириб чиқарадиган омил – бу ўқитувчи ва маъмурият ўртасидаги муносабатлар эканлигини аниқлашга имкон берди. Қуйида ўқитувчилар ва

маъмурият ўртасидаги зиддиятларнинг сабабларини келтириб ўтамиз:

- профессор-ўқитувчилар таркибидаги етакчининг реал вазиятга етарлича йўналтирилмаслиги;

- ўқув жараёнини ташкил этишдан норозилик;

- етакчилик услубидан норозилик;

- шахсий ва профессионал ўзини ўзи англаш имкониятларидан қониқмаслик;

- кўпинча ўқитувчининг “икки баробар” бўйсунушига олиб келадиган бошқарув таъсир доирасининг юқорилиги;

- муассаса ҳаётини қатъий тартибга солиш, талабларни қўллашнинг императивлиги;

- “бошқаларнинг” вазифаларини бошқа ўқитувчига юклаш;

- ўқитувчи фаолияти устидан режадан ташқари (кутилмаган) назорат шакллари;

- раҳбариятнинг тез-тез алмашиб туриши;

- ўқитувчининг касбий амбициясини раҳбар томонидан кам баҳолаш;

- жамоат топшириқлари билан ўқитувчиларнинг бир хил бўлмаган иш юкламаси;

- ўқитувчи шахсига индивидуал ёндашиш тамойилининг бузилиши;

- ўқитувчи фаолиятини маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг психологик ва дидактик тамойилларини бузиш[3].

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ўқитувчи ва маъмурият ўртасидаги низоларни бартараф этишда уларнинг сабабларини аниқлаш ва таҳлил этиш муҳим.

Педагогик-психологик адабиётлар таҳлиliga кўра, ўқитувчи ва ота-она



ўртасидаги зиддиятларнинг бош сабаби ота-она учун фарзанд, педагог учун талаба шахси, уни ўзини тутиши, педагогик жараёндаги ҳаракати, фаоллиги ҳамда таълим муассасаси ички тартиб қоидаларига қай даражада амал қилиши манбаа бўлиб хизмат қилади[4,35]. Ушбу конфликтли муносабат ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида педагог ва ота-оналар ўртасида юзага келувчи конфликтнинг хусусиятларига тўхталиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз:

- ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан қўлланиладиган мақсадларнинг усуллар ва воситалар билан боғлиқлиги;

- қарама-қарши ҳаракатларни ўқитувчи ҳам, ота-оналар ҳам қўзғатиши мумкинлиги;

- можаро жараёнида норозилик одатда ўзаро бўлиши;

- ота-оналарнинг даъволари таълим муассасасида ўқув жараёнини ташкил этишнинг турли жиҳатлари ва аниқ ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти билан боғлиқлиги;

- кўпинча ота-оналарнинг ўқитувчи талабаларига бўлган муносабати ҳамда таълим сифатидан норозилиги;

- ота-оналарнинг ўқитувчи томонидан қўлланиладиган ўқитиш услубларидан норозилигини билдириши билан боғлиқ ҳолда низоли вазиятни келтириб чиқариши;

- ота-оналар томонидан ўқитувчиларни уларнинг фарзандларини ўқитиш ва тарбиялашга мажбур деб ҳисоблаши;

- ота-оналарнинг позицияси қоида тариқасида, ҳиссиётлари, боласини ҳимоя қилиш истаги билан боғлиқ бўлса, ўқитувчининг позицияси таълим ва тарбия жараёнининг мақсадлари ва вазибалари

билан белгиланиши, унга эришиш нормалар ва қоидалар тизимига риоя қилиниши;

- талабалар билимини холисона баҳолашнинг шубҳа остига олиниши, ўқувчиларнинг шахсиятига қизиқмаслиги, таълим олувчиларни камситиш, ҳақорат қилиш ва бошқалар, педагог ва ота-оналар ўртасида юзага келувчи конфликтнинг хусусиятлари ҳисобланади.

Ўқитувчи ва ота-онанинг зиддиятлари – бу талаба-педагог, фарзанд-ота-она позицияларини эгаллаган икки катталар ўртасидаги зиддиятлардир. Педагог ва ота-она ўртасидаги мавжуд қарама-қаршиликларнинг моҳиятини илмий англаб етишда ушбу хусусиятлар муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишларининг таҳлилига кўра ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўзаро даъволари, улар ўртасидаги зиддиятлар турли сабабларга боғлиқ бўлиши мумкин. Ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасидаги келишмовчиликнинг энг кенг тарқалган сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтамиз:

- ота-оналар ва ўқитувчиларнинг умумий ва педагогик маданиятнинг турли даражаларига эгаллиги;

- ўзаро муносабатларнинг турли хил мақсадлари (ўқитувчининг ўз касбий мақомини, ота-онанинг эса – унинг таълим хизматларини олувчи мақомини тасдиқлаш истаги);

- ота-оналар ва ўқитувчилар томонидан ўқув жараёнининг бутун мураккаблигини тушунмаслик, унинг самарадорлигининг кўплаб омилларга боғлиқлиги (ўқитиш ва тарбиялаш усуллари ва воситаларига нисбатан томонларнинг турли қарашлари, таълим олувчи шахсига индивидуал ёндашмаслик ва бошқалар);



- ўқитувчи ва ота-онанинг талабага шахс сифатида муносабатидаги фарқлар;  
- томонларнинг масъулиятсизлиги, ёшларни тарбиялаш учун жавобгарликни бир-бирига юклаш;  
- ота-оналарнинг таълим муассасасига бўлган салбий муносабати;  
- бир-бирига ҳурматсизлик, шахсий душманлик;  
- ўқитувчининг касбий лаёқатсизлиги (тайёргарликнинг паст даражаси, талабаларга юқори талабларни қўйилиши)[5].

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, таълим муассасаларида кузатилиши мумкин бўлган педагог-педагог, педагог-маъмурият ҳамда педагог ва ота-она ўртасидаги конфликтлар, уларнинг хусусиятлари сабабларини илмий-назарий таҳлил этиш, педагогик жараёнда юзага келувчи конфликтларни олдини олиш ва конструктив бартараф қилишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – 18-сон, 313-модда; 19-сон, 335-модда; 24-сон, 490-сон.
2. Рыбакова М.М. Конфликт и взаимодействия в педагогическом процессе. – Москва: Просвещение, 1991. – 128 с.
3. Клименских М.В., Ершова И.А. Педагогические конфликты в школе. Учебное пособие для студентов. – М.: Изд-во Уральского ун-та, 2015. – 72 с.
4. Ковтун Р.Ф. Педагогическая конфликтология: Учебное пособие. – Челябинск: Библиотека А. Миллера, 2020. – 258 с.
5. Корнеева Н.Ю., Шаталова Е.И. Подготовка будущих педагогов к разрешению педагогических конфликтов в образовательной организации // Поволжский педагогический вестник. – С., 2015. – № 4 (9). – С. 142-148.